

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 27 апрель, № 87 (8149) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар бирин-кетин камаяётгани туфайли туризм индустрияси тиклана бошлаяпти. Жорий йил биринчи чоракда юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравардан зиёд туристлар келган. Кейинги ойларда янада кўп туристлар келиши кутилмоқда.

Йиғилишда туризм инфратузилмасининг бунга тайёрлик даражаси таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Қорақалпоғистон, Андижон ва Қашқадарёда меҳмонхона ўринлари етишмайди. Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида катта имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Ёшларга мос туристик хизматлар жуда кам. “Оилавий” ва “Барчаси ичида” хизматларни жорий қилиш ишлари суст.

Ҳудудлардаги 206 та термал ва минерал сувли булоқларнинг 18 тасидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, Қамчиқ довонида жойлашган Арашан кўллари сувининг ҳарорати қишин-ёзин 36 даража иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қолишмайди. Ёки Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпирда ер остидан 40 — 70 даража иссиқликда чиқадиган термал булоқлар атрофида санаторий-курортлар ташкил қилиш мумкин.

Сайёҳларни жалб қилишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан ҳам фойдаланилмаяпти. Уларда 2 миллион 500 мингдан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 112 мингтаси жаҳон тарихи ва маданияти учун ҳам ноёб ҳисобланади.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, туризм соҳасида пандемиягача бўлган кўрсаткичларни тиклаш, хизматлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ҳар бир вилоятда туристларни ўзига оҳанрабодай жалб қиладиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Наманганадаги “Афсоналар водийси”, Бўстонлиқдаги “Амирсой” мажмуаларига кунига минглаб хорижий ва маҳаллий туристлар боради. Хорижий инвесторлар иштирокида Хонободда яна бир шундай лойиҳа бошланган.

Президент юртимизда бундай жойлар кўплигини таъкидлаб, қатор имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Бойсунда дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорлари, қадимий эллин маданияти ёдгорлиги бўлмиш Узундара қалъаси бор. Туманнинг табиати, иқлими ҳам зўр. У ерда меҳмонхона, кемпинг, “дор йўли”, туристлар уйлари ташкил этиш орқали 500 минг сайёҳни жалб қилса бўлади.

Бундай имкониятлар Бўстонлиқдаги Товоқсой, Оҳангарондаги Овжасой, Ангрендаги Янгиобод, Шаҳрисабздаги Мираки, Янгиқўрғондаги Нанай, Попдаги Чодак қишлоқларида ҳам бор.

Шунингдек, Нукусдаги Ашшикўл, Бухородаги Зикрикўл, Жиззахдаги Айдаркўл ва Тузкон кўлида худди Чорвоқдагидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

“Ўзбекистон туризм магистрали” бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотурарготҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёнилғи қуйиш каби хизматларни қамраб олган “Карвонсарой”лар барпо этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳрида хорижий туристлар учун камида 3 кунга мўлжалланган “1 минг долларлик хизматлар тўплами” шакллантирилади. Бу дастур йил давомида ишлайдиган аквапарк ва мавзули парклар, гастрономик ва савдо кўчалари, жонли ижро концертлари, шоу ва фестивалларни ўз ичига олади.

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги кўрсаткични 10 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилар экан, бунинг имкониятлари ҳам белгилаб берилди.

Хусусан, 1 июлдан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, овқатланиш ва савдо шохобчалари, кўнгилочар жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизини тўлайди. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида бундай қишлоқларда меҳмон уйлари ташкил этишга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эко-уйлар мажмуасига 300 миллион сўмгача, чодирли лагерлар қуришга 300 миллион сўмгача кредитлар берилади. Ҳар йили туризм қишлоқларининг 200 нафар ёшлари бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида бепул ўқитилади.

Ҳокимларга туризм қишлоқларида йўл, электр энергияси, ичимлик суви, алоқа тармоқларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Бунга жорий йилда республика бюджетидан 250 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, хорижий туристларга саёҳатнинг барча босқичини ташкиллаштиришга кўмаклашувчи сайтлар, мобиль иловалар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Туристларни жалб этиш ва саёҳатларни мазмунли ўтказишда маданий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади. Юртимизда 186 хил халқаро ва маҳаллий фестиваль ташкил этилади. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор. Мутасаддиларга ушбу тадбирларни юқори савияда ва хавфсиз ташкил этиш, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда Наврўз байрами муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгилангани, 250 та меҳмонхона ва музейларда чегирма берилгани, зиёрат объектлари бепул қилингани ички туризм учун катта туртки берди. Бунинг натижасида Бухоро ва Самарқандга қўшимча 110 минг маҳаллий турист борган. Келгуси ҳафтада Рамазон ҳайити муносабати билан ҳам халқимизга яна 5 кунлик дам олиш берилади.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни фақат байрамлар арафасида эмас, балки йил давомида тизимли равишда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, бу йилдан бошлаб барча давлат ташкилотлари ходимлари учун йилига бир марта маҳаллий саёҳатга чиқиш харажатларининг 20 фоизини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан ташқари, 1 сентябрдан бошлаб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилаётган фуқароларга авиа, темир йўл ва автобус чипталари нархининг 15 фоизи, меҳмонхона харажатининг 20 фоизи, музей ва бошқа маданият объектларига чипта нархининг 50 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Музейлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис республика бўйича барча музейлар экспонатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон базасини яратиш, музейлар раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Музейларнинг кўргазма майдонлари камлиги сабабли атиги 1 фоиз экспонат намойишга қўйилган. Қолаверса, аҳолининг узоқдаги музейларга бориш имконияти йўқ. Шунинг учун, “Санъатни халққа яқинлаштириш” дастури доирасида ҳудудларда музейларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил қилиш кераклиги айтилди. Юртимиздаги 4 минг 500 дан ортиқ археология ёдгорликларини очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси қўйилди.

Саёҳатларни ташкил этишдаги энг муҳим воситалардан бири транспортдир. Ҳозирги кунда транспорт харажатларининг юқорилиги хорижий туристларни жалб қилишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда “лоукостер”лар кўп эмас. Замонавий “Афросиёб” поездига чипта олиш учун бир неча ҳафта олдин мурожаат қилиш зарур.

Шу боис Транспорт вазирлигига туризм соҳасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Сайёҳларнинг авиақатновларга бўлган талабини қондириш мақсадида 1 июлдан бошлаб, “Зиёрат туризми” дастури доирасида хорижий авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилинади. 1 октябрга қадар маҳаллий авиақатновларга мўлжалланган янги “Silk avia” компанияси ташкил этилади. Харажатларни камайтириш мақсадида 9 та самолёт тўлиқ эконом-классга ўтказилади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ва тадбиркорлар сўзга чиқиб, режа ва таклифларини билдирди.

**ЎзА.**

# «ЛАЗГИ» ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам санъат шайдолари!

Аввало, сиз, азизларни кўҳна Хоразм заминида биринчи бор ташкил этилаётган йирик санъат ва нафосат байрами — “Лазги” халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўп асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Шу маънода, улкан маънавий хазинамиз ҳисобланадиган бой ва ранг-баранг ўзбек рақс санъати халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзу-интилишлар ёрқин мужассам топгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Миллий рақс санъатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган, таъбир жоиз бўлса, унинг гултожи бўлган “Лазги” рақси ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, бетакрор ижро усули ва жозибаси билан нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шуҳрат қозонган.

Маълумотларга кўра, халқимизнинг бадиий даҳоси билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси уч минг йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсона ва ривоятлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради.

Неча юз йиллар давомида халқимизнинг эстетик тафаккур олами, анъана ва қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда “Лазги” рақсининг бир неча йўналиш ва турлари вужудга келиб, у мукаммал санъат асарига, яхлит хореографик мажмуага айланган.

“Лазги” рақси ўзининг беқиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё саҳналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида тобора севимли бўлиб бормоқда. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2019 йил 12 декабрда Хоразм “Лазги” рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатнинг барча соҳалари қатори миллий рақс санъати турларини асраб-авайлаш ҳамда бу йўналишдаги ижодий мактабларга хос бўлган ноёб анъаналарни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда, 2020 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз даврида бутун дунёда ўзбек миллий рақс санъатининг рамзи сифатида ном қозонган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” рақс ансамблининг қайта ташкил этилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда миллий рақс санъати, хусусан, “Лазги” рақсининг жаҳон маданиятида тутган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг маҳоратли раққосаларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, юртимизда Хореография академияси тузилиб, ушбу ноёб санъат масканининг фаолияти мутлақо янгича асосда ташкил этилди.

Шу билан бирга, рақс санъати йўналишида узлуксиз таълим тизими жорий қилиниб, барча мактабгача таълим ташкилотларида хореография санъатидан дарс бериш йўлга қўйилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида рақс синфларининг сони кўпайтирилгани, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани ҳам бу соҳада янги истеъдодларни кашф этиш ва тарбиялашда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган машҳур “Лазги” ашула ва рақс ансамблини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва санъаткорларга зарур шароитлар яратиб бериш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айниқса, ўтган йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида германиялик санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда саҳналаштирилган балет-спектакль орқали “Лазги” рақсининг қадимий тарихи ва жозибаси гўзал бадиий талқинда очиб берилди. Мазкур асар нафақат мамлакатимиз томошабинлари, балки чет эллик санъат ихлосмандлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ўтказилиши ушбу ноёб санъат турини асраб-авайлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш, шу асосда халқаро маданий алоқаларимизни янада кенгайтириш борасида катта имконият яратиши, шубҳасиз.

Бугун тантанали равишда очилаётган ушбу фестивалга 30 та давлатдан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос олимлар, маданият соҳасининг таниқли намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюргани ҳам юртимизга ва санъатимизга бўлган қизиқиш қай даражада юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Миллий рақс санъатимизнинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фестиваль доирасида ташкил этилаётган “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” халқаро илмий-амалий конференцияси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, конференция ишига муваффақиятлар тилайман.

Қадрли фестиваль қатнашчилари!

Бугун қадимий ва улуғвор Хива шаҳрида сизларнинг иштирокингизда эзгу орзу ва ниятлар билан бошланаётган “Лазги” халқаро рақс фестивали келгусида дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Ана шу йўлда барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, ижодий парвозлар, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САНЪАТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ



*Кўҳна ва навқирон Хоразм заминида санъат ва нафосат байрами — “Лазги” халқаро фестивали бошланди.*

*Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги қарорига мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Хива шаҳрида мазкур нуфузли фестиваль ўтказилиши белгиланган.*

## Анжуман

Хоразм вилоятида жорий йилда илк бор ташкил этилган мазкур нуфузли санъат анжуманига катта тайёргарлик кўрилди. Тадбирни кўтаринки руҳда ўтказиш учун иштирокчиларга барча шарт-шароит яратилди.

Урганч халқаро аэропортида дунёнинг турли мамлакатларидан келган истеъдодли раққосалар, профессионал жамоалар, рақс санъати усталари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, санъат ҳамда маданият арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари тантанали кутиб олинди.

26 апрель куни мазкур халқаро рақс фестивали ўз ишини бошлади ва 30 апрель санасига қадар давом этади.

Тадбир доирасида “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида рақс санъатига оид кўргазмалар, миллий либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналаридан иборат ранг-баранг кўргазмалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, китоблар савдоси, ярмаркаси ҳам ўтказилади. Фестиваль кунлари “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам уюштирилади.

“Лазги” халқаро рақс фестивалининг очилиш маросимига бағишланган тантана Ичан қалъанинг кўҳна Арк майдонида бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 та давлатидан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, бундан ташқари, давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, хорижий сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тарихий майдон узра турли давлатлар байроқлари ҳилпиради.

“Лазги” халқаро рақс фестивали иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ўқиб эшиттирилди.

Сўнгра очилиш маросимининг бадиий қисми бошланди. Унда турли миллат ва халқларнинг ўзига хос куй ва қўшиқлари янграли. Жозибадор рақслари ижро қилинди. Концерт дастурида таниқли хонанда ва раққослар томонидан ижро этилган “Лазги” қўшиғи йиғилганларни рақсга чорлади.

4

## Ўрганиш

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИШЛАРИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ўрганишлар олиб борди.*

Дастлабки манзил — тумандаги “Ишга марҳамат” мономаркази бўлди.

Сенат Раиси бу ерда тадбиркор хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда миллий либослар билан яқиндан танишди.

Сўнгра шу марказда маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган семинар ўтказилди.

2

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Яқинда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси кун тартибидан ислоҳотларимизга янгича суръат беришга хизмат қиладиган қатор долзарб масалалар ўрин олган. Шу кунларда бу масалалар Сенат қўмиталари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.*

Хусусан, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг I чорагидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

*Қонун лойиҳаларини халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлилий-танқидий кўриб чиқиш уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, мукаммал бўлишини, муҳими, ҳаётийлигини таъминлашда устувор аҳамият касб этади. Зотан, қонун қабул қилиндими, албатта, одамлар ҳаётида ўзгариш бўлиши керак.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини ана шу нуқтаи назардан атрофлича кўриб чиқди.*

### Ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш зарурати

Депутатлар “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси 2022 йил 28 апрель куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 28-29 апрель кунлари видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиши режалаштирилган.

**Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИШЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

←1 Яшнобод, Янгиҳаёт ва Сергели туманлари сектор раҳбарлари ва маҳаллалар фаол хотин-қизлари иштирок этган тадбирда бугун мамлакатимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ҳамда зарур шарт-шароит яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Айни чоғда, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, шу сабабли бу масала парламент назоратида эканлиги таъкидланди. Келгусида фаол аёллар сафини кенгайтириш, хотин-қизларнинг оилавий муаммоларини ҳал этиш айнан маҳалладаги фаол опа-сингилларимиз ҳаракатига боғлиқлиги ҳам айтилди.

Сенат Раиси Яшнобод туманининг "Наврўзобод" маҳалла фуқаролар йиғини марказида яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди ҳамда маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси билан дилдан суҳбатлашди. Шу аснода уларга давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган юксак ишонч ва яратиб берилаётган шарт-шароитларга муносиб тарзда меҳнат қилиш зарурлиги яна бир бора уқтирилди.

Шундан сўнг Т. Норбоева маҳалладаги оилалар турмуш шароити билан танишди. Хусусан, Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ тумандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Э. Кристина ҳамда эҳтиёжманд оилалар вакиллари бўлган В. Митхина ҳамда О. Хожибоева хонадонларида бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидлари билан қизиқди. Мулоқот давомида аниқланган муаммолар тез орада ҳал қилинадиган бўлди.

Хонадонлар соҳибларига зарур маиший техникалар топширилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

←1 Сўнгра фермер хўжаликлари фаолияти кафолатларини таъминлаш ҳолати юзасидан Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниевнинг ахбороти муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда фермер хўжаликлари фаолиятига оид статистик маълумотларни шакллантиришда ягона амалиёт мавжуд эмас. Бу эса фермер хўжаликлари тўғрисида аниқ маълумотларни шакллантириш, улар фаолиятидаги муаммоларни тўғри таҳлилдан ўтказишга тўсқинлик қилмоқда. Шу боис ерга эгалик ҳуқуқига оид муносабатларни янада такомиллаштириш ва ер муносабатларини ҳақиқий бозор муносабатлари даражасига етказиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳужжат билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб, вазирлик ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари соҳада давлат назоратини амалга оширувчи орган эканлиги ва уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

Истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланган тўловларнинг ярми миқдорида ичимлик суви таъминоти ташкилотидан компенсация (пеня) талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Шунингдек, Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига оқова сувни чиқариш қувурларига ифлослантирувчи моддаларни меъёридан ортиқча миқдорда оқизган шахсларга нисбатан компенсация тўловларини ундириш ҳуқуқи берилмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида соҳани барқарор ривожлантириш ва хизматлар сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий база яратилишига, сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомни кучайтириш орқали носозликлар оқибатида ичимлик суви исроф қилинишининг олди олинишига, истеъмолчилар томонидан ичимлик ва оқова сув қувурларига ноқонуний уланиш ҳолатлари бартараф этилишига, истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида очиқ ва тенг ҳуқуқли механизмлар жорий қилинишига замин яратилади.

Қўмита мажлисида бошқа масалалар ҳам таҳлилдан ўтказилди.

* * *

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2021 йил ва 2022 йилнинг I чорагида амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисида Миллий гвардия қўмондонининг ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, бу даврда Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда 200 нафарга яқин қидирувда юрган жиноятчилар ушланган ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар аниқланган ва оилаларига қайтарилган. Айни чоғда шу каби ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли 800 дан ортиқ жиноятлар фош этилган.

Бундан ташқари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликдаги "Экопатрул" гуруҳлари томонидан 1 мингдан ортиқ рейдлар ўтказилиб, ҳуқуқбузарлик содир этган 471 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Жорий йилнинг уч ойида мобиль патруль гуруҳлари томонидан 61 хабар бўйича 47 та ҳуқуқбузарлик содир этган 51 нафар шахс ушланиб, ички ишлар бўлимларига келтирилган.

Шунингдек, пойтахт хавфсизлигини ишончли таъминлашнинг янги тизими жорий қилинган.

2021 йилда тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар томонидан қўриқдаги объектларда, шу жумладан, хонадонларда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган 618 нафар шахс ушланган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 25 та жиноят фош этилиб, 2 нафар қидирувдаги шахс қўлга олинган.

Қўмита мажлисида "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан мамлакатимизда қўриқлаш тизимидаги муносабатларни тартибга солиш ва ушбу соҳадаги ваколатли давлат органини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий вазифаси сифатида жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини, уларнинг мол-мулкини ҳамда объектларини тажовузлардан ҳимоя қилиш, қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишни келтириш мумкин.

Тадбирда "Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, бу қонун билан ўқотар қуролдан ташқари пневматик, газли, сигнал берувчи, тиғли, улоқтириш қуроли ва электрошок қурилмаларига эгалик қилишга рухсат берилган. Аммо ўқотар бўлмаган юқорида кўрсатилган қуролларга ноқонуний эгалик қилиш учун эса қонунчилигимизда жавобгарлик мавжуд эмас. Содда айтганда, ўқотар бўлмаган қуролга ноқонуний эгалик қилиш, яъни уйда сақлаш, кўча-кўйда олиб юриш, таълим муассасаларига олиб бориш ва ҳоказо ҳолатларда қурол эгаси ундан турли жиноий мақсадларда фойдаланмаслигига кафолат йўқ.

Шу боис қонун билан амалдаги 2 та кодекс ва 6 та қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

*Мажлисларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ



←1 Таъкидланганидек, юртимизда сўнгги йилларда содир бўлган фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича чоралар таҳлил қилинганда, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди.

Қонун лойиҳасида фавқулодда вазиятларнинг замонавий таҳдидларини, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этишда орттирилган тажрибани инобатга олиб, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талаблари ижросини таъминлаш белгиланмоқда.

## Тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратилади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсади — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Солиқ кодекси меъёрларига мослаштиришдан иборатдир.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан бир қатор солиқлардан имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда. Хусусан, электрон тижорат иштирокчиларига, уларнинг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганидан қатъи назар, фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар берилади. Бу имтиёз электрон платформалар орқали савдо қилувчи тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшади.

Қонун лойиҳасида деҳқончилик, боғдорчиликни янада рағбатлантириш ҳамда мазкур соҳа вакилларига солиқлардан имтиёз муддатини узайтириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Яъни боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзли давр уч йилдан беш йилга узайтирилиши белгиланяпти.

Ушбу ҳужжат билан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутиляпти.

## Акциядорлик жамиятларида мустақил аъзоларга қандай талаблар қўйилмоқда?

Мажлисда "Хўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзоларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалдаги таҳририда давлат ва хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бироқ акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятда давлат улуши мавжуд бўлмаса, мустақил аъзо ким томонидан киритилиши билан боғлиқ нормалар мавжуд эмас.

Шунингдек, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунда жамият кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш ва мустақил аъзоларга қўйиладиган талаблар белгиланмаган. Шунга кўра, мустақил аъзоларга қўйиладиган талаблар хорижий илғор тажриба асосида такомиллаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан кузатув кенгашининг таркибига мустақил аъзоларни киритиш, уларга қўйиладиган талабларни белгилаш, уларнинг реестрини юритиш билан боғлиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида хусусий акциядорлик жамиятларида ҳам мустақил аъзоликка номзодларни кўрсатиш тартиби белгиланади, акциядорлик жамиятларида мустақил аъзоларга қўйиладиган талаблар илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади.

## Ер участкалари билан боғлиқ янги тартиб-таомиллар

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур ҳужжат билан 5 та кодекс, 14 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Ер ва Шаҳарсозлик кодексларида ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, компенсация бериш, хусусийлаштирилган ер участкаларини қайта сотиб олиш махсус қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масаласи тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун ва унга мувофиқлаштирилган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига, низоли вазиятларнинг олдини олиш ва соҳадаги низоларни самарали ҳал этишга, ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

*Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавобга бой тарзда ўтган мажлис якунида муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қабул қилинди.*

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

# ДЕПУТАТЛАР ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ БЎЙИЧА ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИШДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарор топган янги институт — Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан парламент олдида ҳисобот бериб бориши муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.*

**Назорат**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг биринчи чорагида бажарилиши тўғрисида"ги ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур масала дастлаб сиёсий партияларнинг парламентдаги барча фракциялари мажлисларида обдан муҳокамалардан ўтди. Ҳар бир фракция ўз йиғилишида депутатлар кўтарган саволларига Ҳукумат аъзоларидан аниқ жавоблар олишди. Фракциялар ҳисобот юзасидан ўз позицияларини белгилаб олди.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтирилганидек, Давлат дастури 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат. Уларда белгиланган чора-тадбирларни бажариш мақсадида 318 та қонун, Фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Дастур ижроси доирасида жорий йилда умумий қиймати 55 трлн. сўм ва 11,7 млрд. долларга тенг лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Давлат дастурида назарда тутилган топшириқлардан 87 тасининг ижро муддати жорий йилнинг I чораги этиб белгиланган. Улардан 64 та банд ва кичик бандлар ҳозиргача тўлиқ бажарилган, 6 тасининг ижро муддати узайтирилган, 17 тасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, юртимизда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2022 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,8 фоизни, шундан ялпи ички маҳсулот таркибида саноат — 105,7 фоизни, хизматлар — 106,9 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 102,8 фоизни ташкил қилди.

Бугунги кунда очиқ электрон танловларда 55 минг 973 гектар ер майдонлари 256 минг нафар ғолибга ажратиб берилди. Шундан "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"да рўйхатда турган 81 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 13 минг 851 гектар, хориждан қайтиб келган 15 мингдан ортиқ фуқароларга 2 минг 565 гектар ер участкалари ажратилди.

Бундан ташқари, республикадаги 9 минг 348 та маҳаллада "Ёшлар баланси" шакллантирилди. Етакчилар томонидан таълим ва меҳнат билан қамраб олинмаган 16 — 30 ёшдаги 7 миллион 407 минг 162 нафар ёш тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 5 та тоифа (бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари) асосида "Ёшлар баланси" шакллантирилди. Уларни юритиш тўлиқ рақамлаштирилиб, ишга туширилган электрон платформа давлат органлари ахборот тизимларининг 19 турдаги маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Натижада электрон платформага киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни инсон омилисиз доимий янгилаб бориш имконияти яратилди.

Халқ вакиллари аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, ҳисобот даврида қиймати 1 млрд. 787 млн. долларлик 1 минг 520 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 24 минг 723 та янги иш ўрни яратилганини ижобий баҳолашди.

Ҳисоботда айтилишича, коронавирус қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш бўйича "темир дафтар"га киритилган 616,1 минг оила, уларнинг 2,6 миллионга яқин аъзоларининг 691,4 минг нафари меҳнатга лаёқатли ишсизлар бандлигини таъминлаш орқали 588,5 минг оила "темир дафтар"дан чиқарилди.

Шу билан бирга, мазкур "дафтар"га киритилган оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш мақсадида 100 минг нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 34,5 минг нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди, 22,7 минг оилага оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратилди, 399,4 минг нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилиши, 80,5 минг нафар фуқаро қишлоқ хўжалигида ҳамда 73,4 минг нафар фуқаронинг бошқа йўналишларда бандлиги таъминланди ҳамда 14,7 минг нафар фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди.

Депутатлар амалга оширилган ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, самарали ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Қизғин ўтган мажлисда халқ вакиллари жорий йилнинг иккинчи чорагида Давлат дастурининг ижроси устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш, парламент назоратининг барча шаклидан унумли фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар. Шунингдек, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш борасидаги тадбирларнинг самарали амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди. Айни масалалар юзасидан ҳам депутатларнинг Ҳукуматга таклиф ва тавсиялари билдирилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси юзасидан тақдим этган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

**Эшитув**

# Бюджет жараёни ҳақидаги ахборот веб-сайтларда жойлаштирилмаган

*"Юксалиш" умуммиллий ҳаракатида Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг бюджет маблағлари очиқлиги таъминланиши юзасидан жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.*

Кун тартибидаги масала бўйича Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги масъуллари давлат органлари ва ташкилотларининг бюджет жараёни очиқлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида кенг жамоатчиликка ахборот берди.

Қайд этилганидек, 2022 йил 10 февраль ҳолатига кўра, 133 та вазирлик ва идорадан 66 таси ўз расмий веб-сайтига бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотларни жойлаган, 13 таси қисман жойлаштирган, 54 таси эса умуман жойлаштирмаган. Хусусан, Қишлоқ хўжалиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Кинематография агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бундай ахборотларни эълон қилмаган.

Қолаверса, 2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилмаган ҳамда "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали "ғолиб" деб топилмаган таклифларни молиялаштириш ҳолатлари ҳам аниқланган. Жумладан, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида 4 та, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 5 та таклиф талабларга зид равишда молиялаштирилган.

Йиғилишда айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет очиқлигини таъминлаш борасида камчиликларга йўл қўйгани қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТУГАТИШ ЭМАС, ТИКЛАШНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

*Бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналар кўпайгани сари улар орасида тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳам ортиб бориши табиийдир.*

**Фикр**

Тўловга қобилиятсиз корхоналарни тугатиб юбориш осон, лекин бу ходимларнинг иш ўрнини йўқотиши, ҳамкор ташкилотлар ўртасида низолар, улар фаолиятига салбий таъсирлар ҳамда бошқа кўплаб ижтимоий ва иқтисодий масалаларни келтириб чиқариши тайин. Бундай масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан қонун билан тартибга солиш эса ўта муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда тўловга қобилиятсизлик масалалари "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиб келинган. Албатта, ривожланиш бўлган жойда янги муносабатлар, масалалар вужудга келиши ва бу, ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янгилаб боришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юбориш эмас, балки молиявий соғломлаштириш ҳамда соҳада вужудга келаётган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳужжатда корхонага нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллашни рағбатлантириш мақсадида вақтинчалик ҳамда доимий тўловга қобилиятсизлик қоидалари, жорий солиқ тўловларини тўхтатиб туриш, кредит маблағларини жалб этиш бўйича нормалар киритилган. Бунда, корхона кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, ўз мажбуриятларини камида 3 ой давомида бажармаганда, у вақтинча тўловга қобилиятсиз, деб топилади ва унга дастлаб соғломлаштириш таомиллари қўлланилади. Агар охирги ҳисобот йили давомида қарздор корхонанинг мажбуриятлари унинг активларидан доимий равишда ошган бўлса, у доимий тўловга қобилиятсиз деб топилиб, унга корхонани тугатиш таомиллари қўлланилади.

Кредиторлик қарзлари қайтарилишини таъминлаш мақсадида қарздор мулкини бир неча маротаба такрорий аукционга чиқариш, мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич 50 фоизгача пасайтириш, маблағларнинг қарзни қоплашга йўналтирилган қисмини қўшилган қиймат ва даромад солиғидан озод этиш, кредиторга қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш орқали ўз талабини қаноатлантириш имкониятлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, кредиторлик қарзларини қисқа муддатда қоплаш имконини беради.

Қонунда тўловга қобилиятсизлик ҳолатида ҳам қарздор фаолиятини давом эттириши учун зарур шартномалар ижроси таъминланиши белгиланмоқда. Шунингдек, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар 3 йил давомида қарздор корхона томонидан тузилган шартномалар суд томонидан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги кўрсатиляпти.

Яна бир муҳим жиҳат. Ушбу ҳужжат билан тўловга қобилиятсизлик қарздор муассиси ёки унинг мулки эгаси ёхуд охирги 3 йил давомида уни бошқарган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида вужудга келганда, уларни қарздорнинг қопланмаган қарзи бўйича субсидиар жавобгарликка тортиш имконияти ҳам яратилаётир.

Адвокатларга ишларда суд бошқарувчиси сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилаётгани эса яна бир муҳим янгиликлардан бири бўлди. Бу орқали суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, Давлат хизматлари агентлиги орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ҳақ тўламасдан фойдаланиш, қарздорнинг мулки, ҳисобварақлари ва депозитлари ҳақида давлат органларидан бепул маълумот олиш, шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

Мазкур қонунда жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз, деб топиш институти жорий этилган ҳолда, қарздорнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробари (ҳозирда 54 млн. сўмлик) миқдорида кредиторлик қарзи 3 ой давомида тўланмагани тўловга қобилиятсизлик аломати сифатида белгиланяпти. Қолаверса, тўловга қобилиятсиз деб топилган жисмоний шахснинг кредиторлик қарзи 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш ёки унинг мулкини сотиш орқали қопланиши назарда тутилган.

Умуман, ушбу қонун ўз вақтида қабул қилингани билан муҳим аҳамиятга эга. Зеро, у тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхоналарга нисбатан соғломлаштириш таомилларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини тиклаш ва иш ўринларини сақлаб қолиш, дебитор ҳамда кредиторлик қарздорликларнинг қисқариши ва мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда тўловга қобилиятсизлик индикаторидаги ўрнини оширишга хизмат қилади.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИННОПРОМ: БИЗНЕС МУЛОҚОТ ВА БИТИМЛАР УЧУН НОЁБ МАЙДОН

*Шу кунларда “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазма мажмуасида “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтаётир.*

*Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган турли соҳа вакилларининг профессионал мулоқоти учун яратилган ушбу ноёб майдонча Ўзбекистоннинг иқтисодий, инвестициявий, саноат ҳаётидаги яна бир воқелик бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Тадбир, бир томондан, саноат соҳасидаги энг янги технологиялар ва ишланмаларни тарғиб қилиш, янги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, битимлар тузиш ва натижада саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш ишига хизмат қилади. Иккинчи томондан, минтақада инвестициявий, саноат ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, янги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш имкониятидир.*



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

## Кўргазма



Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Россия Саноат ва савдо вазирлиги ташкилотчилигида ўтказилаётган ва анъанавий тус олган кўргазманинг асосий мақсади инвестициявий, саноат, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ўсишига янги туртки бериш учун муштарак манфаатлар кесишадиган нуқталарини кашф этиш, шунингдек, ўзаро манфаатли лойиҳалар сонини кўпайтириш мақсадида ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқот ўрнатиш билан изоҳланади. Эътиборлиси, бу йил кўргазмада қатнашиш учун МДҲ мамлакатлари, Франция, Италия, Нидерландия, Ҳиндистон, Ирландия ва Япониядан 5 мингдан зиёд иштирокчилар, 200 дан ортиқ хорижий компаниялар ва бизнес делегациялари рўйхатдан ўтди. Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Венгрия, Франция, Тожикистон, Арманистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан 700 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ва ишбилармонлар делегациялари қатнашаётгани ҳам мамлакатимизнинг дунёга очилгани, ташқи сиёсий ва иқтисодий сиёсати жозибадорлик касб этганининг исботи бўлди.

Кўргазманинг биринчи кунидаги муҳим воқеа “Марказий Осиё: технологик жиҳатдан кескин ривожланиш макони” шиори остида ўтказилган асосий ялпи мажлис бўлди. Унда иштирокчи мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, хусусан, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов, Россия саноат ва савдо вазири Денис Мантуров, Беларусь саноат вазири Петр Пархомчик, Қирғизистон иқтисодиёт ва савдо вазири Даниёр Амангелдиев, Арманистон иқтисодиёт вазири Ваган Керобян, Тожикистон саноат ва янги технологиялар вазири Шерали Кабиров ва бошқа расмийлар қатнашди.

Аҳамиятлиси шундаки, Ўзбекистон халқаро тадбирга мезбонлик қилиш орқали иштирокчиларга ўз салоҳиятини яна бир бор намойиш этиш, шаффоф бозор иқтисодиётини шакллантириш ва унда хусусий секторнинг ролини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва савдо тўсиқларини бартараф этиш борасида эришилган муваффақиятларини кўз-кўз этиш, иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, саноатни рақамлаштириш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда тўлиқ товар ва хом ашё занжирларини яратиш орқали юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инсон капиталини ривожлантириш ва ташқи савдони эркинлаштириш борасидаги ислоҳотларини бутун бўй-басти билан кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

Кўргазма саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва бутун минтақа иқтисодиётига илғор юқори технологияларни жалб этиш, иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган барча тармоқларга инновацион ечимларни жорий этишга ҳисса қўшиши аниқ. Бунга шубҳа йўқ. Зеро, “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси бу сафар конструктивликнинг янги қирралари билан ажралиб турарди. Муҳими, мазкур “бизнес майдон”га инвестициялар ҳажмининг янада ўсишига, янги лойиҳалар яратилишига, натижадор ҳамкорликка олиб келадиган алоҳида туртки сифатида қаралмоқда.

Сессия доирасида иштирокчилар саноат кооперацияси ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ўзаро фикр алмашди ва муштарак манфаатлар кесишадиган нуқталарни белгилаб, келгусида биргаликда иш олиб бориш учун аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурдилар.

Кўргазма ўз ишини 27 апрель куни ҳам давом эттиради.

### Сўз — тадбир қатнашчиларига

**Эмин АНТОЯН,**
**“МегаФон” корпоратив ва давлат сегментларини ривожлантириш бўйича тижорат директори:**

— МДҲ давлатлари савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришнинг улкан салоҳиятига эга. Кўргазманинг биринчи иш кунида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида зарур бўлган янги лойиҳани ишга тушириш бўйича шартнома имзоладик. Бу Тошкентда атмосфера ҳавоси ҳамда атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмлари ҳолатини доимий назорат қилишда қўл келади. Замонавий рақамли ечимлар нафақат реал вақт режимида атроф-муҳит ҳолатини кузатиш, балки вазият ёмонлашган тақдирда тезкор чора кўриш имконини беради.

“МегаФон” Россиянинг бир неча ҳудудларида, шунингдек, саноат корхоналарида экологик назорат тизимларини жорий этиш бўйича ижобий тажрибага эга. Биз Тошкент шаҳар ҳокимлигига ушбу муҳим масалани ҳал қилишда ўз ишланмаларимиз ва тажрибамизни таклиф этишдан мамнунмиз.

**Малика ЁРБОБОЕВА,**
**Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлиги бўлим бошлиғи:**

— Бугунги воқелик биздан Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш бўйича қатъий қадамлар қўйишни талаб этмоқда. Бизнинг иқтисодий ҳамкорлигимиз кўлами анча кенгроқ бўлиши ва бир-бирини тўлдириб, самарали кооперация асосида ривожланиши мумкин. Ўзбекистонга тез-тез келиб туришимиздан мақсад — миллий матоларни ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш. Очиғи, миллий матоларимизда деярли фарқ йўқ. Фақат охирги йилларда ўзбек миллий матолари дизайнида замонавий трендлар кўзга ташланяпти. Кўргазма давомида ҳамкорлар топиш, янги шартномалар имзолашни мақсад қилганмиз.

Асосийси, янги Ўзбекистон хорижий шерикларга, тадбиркор ва инвесторларга ўзаро фойдали ҳамкорликка шайлиги тўғрисида аниқ сигналлар юбормоқда ва ўз навбатида, ҳамкорлар ҳам бу чақириққа муносиб жавоб қайтармоқда.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ғамхўрлик



# СЕЛДАН ЖАБР КЎРГАНЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 20 апрель куни кузатилган кучли ёғингарчилик натижасида Жиззах вилоятининг Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида сел оқимлари ва тошқин сувлари юзага келди.*

Энг катта талафот кўрган ҳудудлардан бири — Фориш туманининг Эгизбулоқ маҳалласи бўлди. Маҳалланинг юқори тоғли ҳудудидаги бешта сой сувлари бирлашиб, кучли сел оқимини ҳосил қилган. Тепаликдан кучли оқим билан келган тош ва шағал аралаш сув аҳоли яшаш жойлари, ижтимоий соҳа объектлари, автомобиль йўллари, электр тармоқлари, экин майдонларига зарар етказди, 5 нафар инсон ўлимига сабабчи бўлди. Қутқарувчилар томонидан 6 нафар фуқаро сел оқимидан қутқарилиб, туман тиббиёт бирлашмасига ётқизилган.

Шу куннинг ўзида зудлик билан сел оқибатларини бартараф этиш, талафот кўрганларга ёрдам бериш мақсадида Жиззах вилояти ҳокими бошчилигида тезкор штаб ташкил қилинди. Штаб бугунги кунда 24/7 режимда фаолият кўрсатмоқда.

Штабда “Call-markaz” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг 25 апрель куни соат 18.00 га қадар аҳолидан 27 та мурожаат келиб тушган, шундан 18 таси ўша вақтнинг ўзида ижобий ҳал этилган, 9 таси тааллуқлилиги бўйича вилоят, туман бошқарма ва ташкилотларига йўналтирилган.

— Маълумот олишимиз билан 180 нафар шахсий таркиб ва 8 та техника билан воқеа жойига етиб келдик, яна жала ёғиши ҳисобга олиниб, йўл ёқасида жойлашган 15 та хонадондаги 82 нафар аҳолини хавфсиз манзилларга кўчирдик, — дейди Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Равшан Ибрагимов. — Маҳалланинг Чўлпон, Боғистон, Эгизбулоқ ва Қаторбоғ кўчаларида жойлашган оғир, ўрта ва енгил талафот кўрган, лойқа босган 260 та хонадонда тозалаш ишлари олиб борилди. Бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Айни вақтда Эгизбулоқдаги сел оқибатларини бартараф этишга вилоятдаги бошқарма, ташкилот ва муассасалардан мингга яқин кўнгиллилар жалб қилинган. Юздан ошиқ турли русумдаги техникалар келтирилган. Натижада 1 минг 200 тоннага яқин чиқиндилар, тош ва қум аралаш лойқалар махсус тайёрланган полигонга олиб борилмоқда.

— Сел сувлари ўз йўналишида аҳоли молхоналари, ҳожатхоналар ва товуқхоналарни олиб кетган, қабристонлар ичидан ўтиб, аҳоли омборхоналари ва ертўлаларига сув тўлиб қолган, — дейди Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи Мамарасул Умаров. — Ҳозирги кунда 145 та ҳожатхона, 145 молхона, мактаб ва боғчаларда жами 5800 квадрат метр майдонда дезинфекция ишларини амалга оширдик. Қабристон тартибга келтирилиб, аҳоли омборхоналаридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилиги текшириб турилибди, лаборатория хулосалари кунлик бериб борилмоқда. Ҳудуддаги 3 та сув иншооти ўрганилганда, уларда инфекция қўзғатувчи микроорганизмлар аниқланмади.



Ҳозир Эгизбулоқда қўл қовуштириб турган бирор кишини учратмайсиз. Вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан 1,5 километр ҳудудда мавжуд устунларга қўшимча 14 та темир-бетон устунлар ўрнатилди, ҳаво линиялари тортилиб, электр энергияси тўлиқ тикланган. “Ҳудудгаз Жиззах” газ таъминоти корхонасининг 47 нафар ходимидан иборат гуруҳ ер усти ўрта босимли 3,5 километр узунликдаги газ қувурларини тартибга келтирди. 3 та тез тиббий ёрдам бригадаси таркибидаги 158 нафар тиббиёт ходими бугунгача 211 нафар фуқарони тиббий кўрикдан ўтказди. Улардан 52 нафарига амбулатор даволаш ташхиси қўйилди.

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш жараёнида маҳалладаги талафот кўрган хонадонларнинг барчаси бузиб ташланиб, улар ўрнига хавфсиз майдонларда замонавий типдаги янги уйлар қурилиши бошлаб юборилди.

— Уйимиз катта йўл бўйида жойлашган эди, — дейди Эгизбулоқ маҳалласининг Боғистон кўчасида яшаган фуқаро Мурод Жўраев. — Кутилмаганда келган сел уйимизга ўнглаб бўлмас зарар етказиб, мол-мулкимизни ҳам оқизиб кетди. Минг шукрки, сел оқизган ўсмир ўғлимни қўшнилар қутқариб қолибди. Ҳозир вақтинчалик қариндошларнинг уйида турибмиз. Бизга ҳам янги уй қуриб берилаётганидан хурсандмиз, албатта.

Юртдошларимиз синовли кунларда ўзаро жипслашиб, қадимдан қадрланган олижаноб фазилатлар, азалий анъаналарни намоён этиб келади. Айни чоғда Эгизбулоқ маҳалласи ҳудудида табиий офатдан талафот кўрганларга гуманитар ёрдам кўрсатиш штаби ҳам ташкил қилинган. Эътиборлиси, бу ерга нафақат Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларидан, балки қўшни вилоятлардан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари карвони келиб турибди. Гуманитар ёрдам селдан жабр кўрган аҳолига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Дил сўзи

# ЯРАТГАНДАН ВАТАНИМИЗГА ТИНЧЛИК, ХАЛҚИМИЗГА ФАРОВОНЛИК СЎРАДИК

*Бутун мусулмон оламида муборак Рамазон ойи раҳмати, баракоти, маҳфирати, шукуҳи кезиб юрган шу кунларда яна инсон қадри ҳақида ўйладим.*

Аслида инсон қадри нима? Нима учун ушбу сўз кейинги йилларда кўп тилга олинмоқда ёки тобора ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгалламоқда?

Халқимизда қадр тушунчаси билан боғлиқ мақоллар, ҳикматлар бор. Масалан, “Қадримга етмади”, “Қадрим шуми?”, “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман”, “Озгина қадрқимматим борми?” ҳамда “Бир қадрим ўтсин” каби иборалар ҳаётда кўп учрайди. Агар уларнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, инсон қадри ҳамма моддий бойликлардан устунлиги англашилади. Инсон қадрининг мезони йўқ, у чексиз қадрлашга муносиб.

Шу ўринда савол туғилади: инсонни ким қадрлаши керак? Албатта, давлат ва жамият. Давлат ва жамиятни ким бошқаради? Президент...

Мен ҳаётнинг паст-баландини, яхши-ёмонини, ширин-аччиғини кўрган одамман. Керак бўлса, уч даврни таққослай оламан: собиқ иттифоқ даври, мустақиллигимизнинг дастлабки йигирма беш йили ва 2016 йилдан бошланган янги давр. Бунга кимдир эътироз билдириши табиий. Лекин мен мана шундай даврлаштириш тарафдориман.

2016 йилдан бошланган янги давр халқимизга нима берди? Аввало, инсон қадри тикланди. Инсон ҳуқуқлари таъминланди. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги борасидаги барча тўсиқлар олиб ташланди. Муқаддас ислом динимизга нисбатан салбий қарашларга барҳам берилди. Диний эътиқод учун таъқиблар тугатилди. Тарихда илк бор ноҳақдан айбланганлар оқланди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўтказилди. Қийноққа солиш, жазо муддатини сунъий узайтиришга чек қўйилди. Қамоқхоналарда йигирма, йигирма беш, ўттиз йил давомида ётган маҳбуслар озодликка чиқарилди.

Муҳими, сиёсий таъқиб, камситиш, хўрлаш ва жамиятдан яккалаш каби ҳолатларга чек қўйилди. Халқимизга меҳр-оқибат, инсонийлик, аҳиллик ва қадр туйғуси қайтди. Барчамизга яхши аёнки, халқимиз қанчалар шафқатсиз, одамгарчиликдан йироқ даврларда ҳам яшади. Халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари маънан мажруҳ қилинди. Шукрки, буларнинг барчаси ортда қолди, бугун бутунлай ўзга замонда яшаяпмиз. Инсон қадри учун бутун миллат, мамлакат оёққа турган давримизга кўз тегмасин.

Бугун Президент одамлар олдига боринглар, уларни эшитинглар, иш ўринлари очинглар, кредит ажратинглар, яшаш шароитини, саломатлигини билинглар, ўрганинглар, деб барча даражадаги раҳбарлардан талаб қилмоқда. Қачон бундай бўлган? Қачон вазир, вилоят ҳокими, депутат халқнинг олдига борган? Дардини эшитган, муаммосини ҳал этиб берган?..

Қадрланаётган халқ, ўз навбатида, уни қадрлаётган Ватанини ҳамда Президентини қадрлашни ҳам билиши зарур. Мантиқан олиб қарасангиз ҳам акс садо бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Халқимиз қандай оғир кунларни бошидан ўтказди. Мана, чироқ ҳам бўларкан, йўллар қуриларкан, уйсизлар уйли, фуқаролиги йўқлар фуқаролик оларкан, ўқийман деганга ўқиш, ишсизларга иш ўрни яратиларкан, мажбурий меҳнат йўқ бўларкан. Бунинг учун фақат халқни севиш, унга хизмат қилиш, одамларнинг оғирини енгиллатишни чин дилдан исташ керак экан...

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизга мурожаат қилмоқчиман. Афсуски, бугун биз таҳликаларга, зиддиятларга тўла дунёда яшаяпмиз. Буни бир лаҳзага бўлсин унутмаслик зарур. Тинчликнинг, ўзаро тотувликнинг, ҳамжиҳатликнинг қадрига етайлик.

Бир ҳақиқатни чуқур англашимиз зарур: халқимизни ёвуз кучлардан фақат ва фақат бирдамлик ҳимоя қилади. Агар биз аҳил бўлсак, юртпарвар, инсонпарвар давлатимиз раҳбари атрофида жипслашсак, бирлашсак, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Яқинда Президентимиз бир гуруҳ зиёлилар, меҳнат фахрийлари ва нуронийларни Умра зиёратига юборди. Уларнинг сафида камина ҳам борлиги қалбимда шукроналик ҳиссини ёлқинлантирди.

Бу, аввало, инсон қадри, меҳнат қадри, бутун умримизни бағишлаган Ўзбекистонимизнинг қадри. Зиёрат амалларини адо этаяпману кўзёшимни тўхтатолмайман. Бир вақтлар чеккан изтиробларим барчаси тумандай тарқаб кетди. Ўрнини меҳр, садоқат, эзгуликлар эгаллади. Қалбимизда тозариш юз берди. Барчасига етказгани учун, мамлакат етакчиси кўнглига шундай ниятни солгани учун Яратганга шукроналар айтдик.

Умра зиёратини бажарар эканмиз, Яратгандан Ватанимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, давлатимиз раҳбарига узоқ умр сўрадик...

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ПАХТА САНОАТИДА ШАФФОФЛИК ВА ҲИСОБДОРЛИК ЯНАДА ОШАДИ

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон пахта саноатида шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга қаратилган халқаро лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш юзасидан маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.*

*Унда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Адлия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Инвестициялар ва ташқи савдо, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси масъул ходимлари, шунингдек, Халқаро хусусий тадбиркорлик маркази (CIPE), Бирдамлик маркази (Solidarity Center) халқаро ташкилоти вакиллари иштирок этди.*

## Халқаро лойиҳа

Пахта саноатида шаффофликни таъминлашга қаратилган ушбу пилот лойиҳа икки йилга мўлжалланган. У Халқаро хусусий тадбиркорлик маркази (CIPE), Бирдамлик маркази (Solidarity Center) халқаро ташкилоти кўмагида Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида пахта-тўқимачилик кластерларида халқаро меҳнат стандартлари ва корпоратив бошқарув нормалари тўлиқ татбиқ қилиниб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларида муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича ўзига хос модель яратилади.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси ислоҳ қилиниб, пахтачиликда кластер усулига ўтилди. Бунинг натижасида жуда қисқа вақт ичида пахта етиштиришда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига буткул барҳам берилди, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришнинг барча бўғинида ишчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса халқаро доирада ҳам юксак эътироф этиляпти. Яқинда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор қилингани бунга бир мисолдир. Соҳада шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга қаратилган лойиҳа ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлади.

Лойиҳа учун 2-3 та кластер танлаб олинади. Улар фаолияти мисолида учта муҳим натижага эришилиши кутиляпти. Яъни булар — пахта-тўқимачилик кластерлари ишлаб чиқариш занжирларида ишчиларнинг жамоавий фикри мустаҳкамланиши, халқаро меҳнат стандартлари ва корпоратив бошқарув меъёрларига риоя этилиши, шаффоф бозор ва бошқарув нормаларини таъминлашдир.

— Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда пахта етиштиришда меҳнат шароитларини яхшилаш ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишдир, — дейди Халқаро хусусий тадбиркорлик маркази (CIPE)нинг Европа ва Евроосиё бўйича минтақавий директори Наталья Отель Белан. — Шу маънода, у соҳага инвестицияларни жалб қилишда энг қисқа йўл вазифасини ўташи мумкин. Чунки бизнинг икки йиллик ўрганишларимиз асосида эълон қилинадиган таҳлил ва хулосаларимиз Ўзбекистон пахта-тўқимачилик саноати жозибадорлиги ошиши, халқаро брендларнинг кириб келишига катта туртки бўлади. Лойиҳа доирасида ахборот олиш янада шаффофлашиб, кластерлар ва халқаро брендлар ўртасида мулоқот майдони яратилади.

Тадбирда лойиҳани амалга ошириш учун тўрт томонлама меморандум имзолашга келишиб олинди.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАБЛАҒЛАР АНИҚ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛЯПТИ

*Сўнгги пайтларда паррандачилик одамлар турмуш даражасини оширувчи, оилалар даромадини кўпайтирувчи тармоқлардан бирига айланмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда паррандачиликни қўллаб-қувватлашга доир бир қатор ҳужжатлар қабул қилиндики, уларнинг ижроси амалда ўз самарасини кўрсатяпти.*

## Пресс-тур

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан 85 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш белгиланган.

Ҳозир мазкур йўналишдаги ишларнинг дастлабки босқичидаёқ тармоққа 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

“Микрокредитбанк” томонидан, шунингдек, ўтган давр мобайнида 200 дан ортиқ паррандачилик хўжаликлари ва озуқа-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 477,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Тошкент шаҳридаги “Lazzet Feed” ҳамда Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги “Қишлоқ қурилиш фаровон парранда” масъулияти чекланган жамиятлари шулар сирасига киради. Яқинда банк томонидан “Паррандасаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда мазкур тадбиркорлик субъектларига оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.



“Lazzet Feed” МЧЖ парранда учун асосий озуқа бўлган ем ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича умумий қиймати 15 миллиард сўм бўлган лойиҳа ҳисобланади. Унга “Микрокредитбанк” АТБ томонидан 2021 йил декабрь ойида парранда озуқаси ишлаб чиқариш мақсадида 2 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 10 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилганди. Бугунги кунга келиб, “Lazzet Feed” МЧЖ тўлиқ қувватда ишламоқда. Айни пайтда 20 кишига яқин жамоа томонидан ишлаб чиқарилаётган “Старт”, “Рост”, “Финиш” номи остидаги паррандачилик озуқалари маҳаллий бозордан ташқари қўшни Тожикистон Республикасига ҳам экспорт қилинмоқда.



Лойиҳага кўра, корхона ойига 8 минг тонна парранда озуқаси ишлаб чиқариб, уни сотиш натижасида ойига 50 — 60 миллиард сўм тушумга эга бўлмоқда.

“Қишлоқ қурилиш фаровон парранда” МЧЖ эса тухум ишлаб чиқариш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Умумий қиймати 17 миллиард сўмни ташкил этади. Ўтган йили банк томонидан корхона фаолиятини кенгайтириш ҳамда парранда озуқасини сотиб олиш мақсадида 2 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Ҳозирги кунда бу ерда 18 та янги иш ўрни яратилган бўлса, корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, ишчилар сафи яна 30 нафарга кенгаяди.

“Қишлоқ қурилиш фаровон парранда” МЧЖ тухумларни ҳам маҳаллий бозорга, шунингдек, қўшни Афғонистонга экспорт қилмоқда. Лойиҳага кўра, корхонада 80 минг бош парранда тухум йўналишида боқилмоқда ҳамда кунига 55-56 минг, ойига 1,6 миллион дона тухум ишлаб чиқаришга эришилаётир.

Банк томонидан юқоридаги қарор ижроси доирасида халқимизнинг сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида
*Хизматлар лицензияланган.*

# САНЪАТ ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ



1 Хоразм лазгисининг турли миллат вакиллари томонидан зўр маҳорат билан ижро этилиши жаҳон санъатининг бу ноёб дурдонаси таржима ва изоҳга муҳтож эмаслигини, у элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи мустаҳкам восита эканлигини яна бир бор исботлади.

— Ушбу фестиваль маҳорат, истеъдод, гўзаллик байрамидир. Эрталабдан Ичан қалъа узра янграётган ўйноқи наволарни эшитиб, кайфиятимиз кўтарилди, — дейди ҳиндистонлик санъатшунос, профессор Чандр Шейкхан. — Миллий либослардаги йигит ва қизларнинг рақсларни юксак маҳорат билан ижро этаётганлигини кўриб, қойил қолдик. Соз сеҳридан тўлқинланиб, мен билан келган ҳамюртларим ҳамда бошқа чет эллик сайёҳлар қадимий бош кийим — чўгирмани кийиб раққос ва раққосаларга қўшилиб, ўйинга тушдик. Бу замин нафақат тарихий обидалари ва ширин-шакар мевалари, ажойиб миллий урф-одат ҳамда анъаналари, балки бетакрор санъати билан ҳам бизни мафтун қилди. Фестиваль доирасида уюштирилган қатор кўргазмалар ва унда акс эттирилган ҳунармандларнинг, тасвирий санъат усталарининг асарлари бизда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу фестиваль янги истеъдодларни излаб топиш ва кашф этиш, миллий маданиятимизни дунёга намойиш қилиш имконини беради, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова. — Олтмиш беш йилга яқин ижодий фаолиятим давомида 100 дан зиёд миллий рақсларни саҳналаштирдим. "Лазги"нинг яралиши ва уч минг йиллик тарихини тадқиқ этишга ҳаракат қилдим. Булбулнафас санъаткор Комилжон Отаниёзов сўз боғлаган "Лазги"га кўп йиллар мобайнида рақсга тушиб, бу илоҳий санъатнинг сир-асрорларини юзлаб шогирдларимга ўргатдим. Ушбу нуфузли анжуман саҳнасида Хоразм лазгисини шогирдларим зўр маҳорат билан ижро этаётганидан бахтиёрман.

"Лазги" фестивали ушбу санъатнинг асрий анъаналарини янада ривожлантириш ва келажак авлодларга безавол етказиш, унинг воситасида халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик кўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Семинар

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ МАДАНИЯТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни олдидан Самарқанд вилоятида "Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамиз" шиори остида минтақавий семинар ўтказилди.*

Тадбирда асосий эътибор дунё ҳамжамияти учун долзарб бўлган масала — иш жойларида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларига чалиниш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришга қаратилди.

Қайд этиш жоиз, ривожланаётган давлатларда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари кўпчилик ҳолларда иқтисодиётнинг бошланғич сектори, яъни қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, қурилиш, ўрмон ҳамда кончилик соҳаларида содир бўляпти. Ходимлар билим даражасининг етарли эмаслиги, меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларига ўқитилмагани, ёнғин, хавфли моддалар билан нотўғри муломот, шунингдек, норасмий иқтисодиёт салбий кўрсаткичларнинг ошишига олиб келувчи омилдир.

Семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши меҳнат муҳофазаси соҳасида иш берувчилар ва ходимлар масъулиятини ошириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ишини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан аҳолига муносиб меҳнат шароитлари яратиш, иш жойида ходимлар руҳиятига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш механизмлари ва ишчи-ходимларнинг бу жараёнда самарали фаолият олиб боришини таъминлаш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ходимларнинг меҳнати муҳофазаси, уларга хавфсиз, қулай ҳамда муносиб меҳнат шароитини яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилияпти. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб қолаётир.

Минтақавий семинар давомида иштирокчиларга меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқитиш, билимларини синаш тартиблари бўйича янги қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмунмоҳияти тўғрисида тушунчалар берилди.

Корхоналарда ходимлар учун соғлом ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Иштирокчилар Ўзбекистонда ходимлар меҳнати муҳофазаси бўйича бажарилаётган ишлар намунали ташкил этилаётганини эътироф қилдилар.

Тадбир доирасида семинар иштирокчилари меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўналишидаги ишлар, ходимлар учун тайёрланаётган махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари намуналари ўрин олган кўргазма билан танишди.

Якунда кўриб чиқилган масалалар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**



# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ТАРАҚҚИЁТ ДРАЙВЕРИ

*Рақамли технологиялар барча соҳага ва одамлар ҳаётига жадал кириб боряпти. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган.*

## Нуқтаи назар

Иқтисодиётимизни эркинлаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш хизмат қиладиган мазкур соҳа эътибор давлатимизнинг доимий диққат марказида. Шу йилнинг 14 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилиш ҳам ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган билан аҳамиятлидир.

Кейинги йилларда IT соҳаси бутқул янгидан ташкил этилди. Масалан, 2017 йилда соҳанинг экспорт ҳажми бор-йўғи 600 минг доллар бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 46 миллион долларга етди. Жорий йилнинг биринчи чорагида IT хизматлари экспорти 16 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан қарийб 4 баробар ошди. Жойларда қўшимча 2 минг 800 та мобиль алоқа станцияси ўрнатилди. Жорий йилдан барча янги қурилган кўп қаватли уйлар оптик толали интернет билан фойдаланишга топширилмоқда. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқиб чиққан ёшлар соҳа келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириб, IT хизматларини 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш бўйича каттакатта мақсадлар кун тартибига қўйилди.

Дарҳақиқат, ушбу соҳа ривожланмаса, бошқа бирор тармоқ олдинга юрмайди. Лекин соҳада ечимини кутаётган муаммолар ва ишга солинмаган имкониятлар ҳали кўп. Йиғилишда таъкидланганидек, ҳудудларни оптик толали интернет билан қамраб олиш даражаси паст — 72 фоиз. 118 та олис қишлоққа алоқа тизими ва интернет умуман етиб бормаган. Шунингдек, магистраль автомобиль йўлларининг атиги 38 фоизи мобиль интернет билан қамраб олинган. Умуман, ҳудудларда интернет сифати ва тезлиги пастлигича қолмоқда. "Ўзбектелеком"нинг даромадлари ва самарадорлиги бошқа мамлакатлар коммуникация компанияларидан анча паст.

Президент ечимини кутиб турган яна бир нечта муаммони санаб ўтди. Хусусан, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастури доирасида вазирлик ва тармоқларнинг 11 та лойиҳаси кечикмоқда. Бугунги кунда айрим вазирлик ҳамда идоралар эски, ишончсиз ва ўзаро интеграция қилинмаган ахборот тизимларидан фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари, ҳудудларда IT соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар бир маромда эмас. IT хизматларининг 90 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, тегишли вазирлик ва идоралар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Бу бежиз эмас. Ўзбекистон тез орада минтақанинг IT марказига айланиши керак.

Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни "янги иқтисодиёт"ни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу бозор сегменти ишлаб чиқарувчиларга бизнесда самарали маркетинг кампаниялари уюштириш, минимал харажат қилиб, максимал фойда олиш, товар ва хизматларни муваффақиятли сотишнинг оптимал усулларини тақдим этади. Истеъмолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат, қулайлик яратилади. Бу вақтингиз тиғиз пайтида интернет орқали тушлик буюртма бериш, мобиль илова орқали такси чақириш, узоқдаги яқинингизга пул жўнатишдан кўра кенгроқ имкониятлар бўлиб, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорий майдон, масофавий офис кабиларини ҳам қамраб олади.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада, деган саволга оддий жавоб бериш мумкин. Масалан, харидорга кўйлак керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу — анъанавий иқтисодиёт. "Telegram"даги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир.

> *Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатнинг ривожланиши фақат мавжуд табиий бойликлар ёки аҳоли сонига боғлиқ бўлмай қолди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, курраи заминимиз умумий бойлигининг 66 фоизи — 365 триллион АҚШ доллари инсон капиталига, яъни, асосан, шахснинг илм даражасига тўғри келмоқда. АҚШда ушбу кўрсаткич миллий бойликнинг 77 фоизи — 95 триллион долларга етган. Шунинг учун давлатимиз раҳбари "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!" деган фикрни алоҳида келтириб ўтади.*

Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойлигимиз пластик картага тушади, электрон тўлов орқали коммунал, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ҳамда хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма берамиз, самолёт ёки поездга чипта харид қиламиз.

Рақамли иқтисодиёт — бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу — янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш, уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Афзаллиги шундаки, тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари ошади. Асосийси, рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш тарзини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва "хуфиёна иқтисодиёт"нинг асосий кушандасидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумот кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада "ҳаром пулларни" ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ёзиб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида, умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси бўйича йўналишлар очиб беради. Рақамли технологиялар томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Жаҳон банкининг "Рақамли дивидендлар" номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга тезлашиши мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми 13-14 фоиз ортишига эришиш мумкин.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, IT ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. "Электрон ҳукумат", "электрон бошқарув", "телекоммуникация", "интернет", "веб-сайт" каби кўплаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, унинг аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага катта эътибор қаратиши бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, фуқароларнинг яшаш даражасини юксалтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва халқимизни рози қилишдир.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қўшимча қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборот корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатяпти. Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Президентимиз рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилашининг яна бир сабаби Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш, натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишдан иборатдир. Бу инқилобий ёндашув фақатгина буюк иқтисодий сакрашлар орқали оддий одамлар турмуш даражасини ошириш, аҳоли фаровонлигини биринчи даражали масала сифатида қараш — ҳақиқий халқпарвар етакчига хосдир.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштиришга хизмат қилади. Шу орқали мамлакатда "ахборотлашган жамият" муҳити яратилади.





Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатнинг ривожланиши фақат мавжуд табиий бойликлар ёки аҳоли сонига боғлиқ бўлмай қолди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, курраи заминимиз умумий бойлигининг 66 фоизи — 365 триллион АҚШ доллари инсон капиталига, яъни, асосан, шахснинг илм даражасига тўғри келмоқда. АҚШда ушбу кўрсаткич миллий бойликнинг 77 фоизи — 95 триллион долларга етган. Шунинг учун давлатимиз раҳбари "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!" деган фикрни алоҳида келтириб ўтади.

Замонавий илм-фаннинг чўққиси юқори технологияларда, рақамли оламда кўзга ташланади. Тўртинчи саноат инқилоби тараққиётнинг янги кўриниши — рақамли иқтисодиёт бошланганини англатади. Бугунги кунга келиб, жаҳонда рақамли иқтисодиёт тараққий этган 20 мамлакатда 2 триллион АҚШ долларини ташкил этаётгани ҳисоблаб чиқилган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича дунёда пешқадам Буюк Британияда эса у ҳозирнинг ўзида миллий ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизига етди. Рақамли иқтисодиёт технологик ва бизнес жараёнлари, ишлаб чиқариш, логистика ва тайёр маҳсулотларнинг савдосини рақамлаштиришни назарда тутади. Мамлакатимизда 2020 йилнинг ўзида транспорт, геология, таълим, архив каби соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш белгиланган ва бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Замонавий инфратузилмага эга бўлган IT-парклар фаолияти йўлга қўйилаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Аммо олдинда ечимини кутаётган муаммолар бор. Улардан бири — телекоммуникация инфраструктураси ва алоқанинг яхши эмаслигидир. АКТ соҳасига инвестиция кам киритилиши натижасида таянч алоқа станциялари зичлиги паст ҳолатда бўлган. Бу интернет, мобиль хизматларнинг яхши ишламаслигини келтириб чиқаради, натижада рақамли иқтисодий ўсишни камайтиради, рақамли узилишларни юзага келтиради.

Аҳолининг барча қисмида ҳам рақамли малаканинг етарли эмаслиги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги яна бир тўсиқдир. Шунингдек, рақамли товар айланмаси ҳам паст ҳисобланади. "Click", "Payme", "M-bank", "Upay", "Oson" ва бошқа онлайн тўловларга имкон берувчи тўлов тизимлари мавжуд бўлишига қарамай мобиль, интернет, коммунал тўловлар учун онлайн тўловларни амалга ошириш кўрсаткичи юқори эмас. Шунингдек, узоқ вақт давомида бюджет ташкилотларида техник ходим ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассисларига юқори маош берилмагани ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этишдаги муаммо бўлган. Сабаби малакали дастурчилар бу лавозимда узоқ қолмаган. Улар халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик буюртмачилар учун ишлашни маъқул кўрган. Эндиликда уларга устама бериш механизми жорий этилди.

Ўзбекистонда барча тизим рақамлаштирилмоқда. Айниқса, коронавирус туфайли жорий этилган карантин режимида онлайн товар ва хизматларга бўлган талаб янада ортди, барча соҳада рақамли функцияларнинг сафи кенгайди. Бугун уйдан чиқмасдан тўловларни амалга ошириш, ҳеч бир муаммосиз масофавий таълим олиш, дунёнинг йирик кутубхоналаридан фойдаланиш ва ҳатто ишлаш мумкин. Рақамли хизматлар анъанавий турга қараганда қоғозбозлик, расмиятчиликнинг йўқлиги, вақтни тежаш каби бир қатор афзалликларга эга. Буларнинг барчаси мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга фаол ўтилаётганининг белгиси.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир омили — киберхавфсизликни таъминлашдир. Карантин шароитида глобал тармоқда коронавирусдан сақланиш бўйича кўрсатмалар ёрлиғи остида дастурий тизимларни ишдан чиқарувчи вируслар тарқатиш ҳолатлари учради. Хорижда дори-дармонни онлайн сотиш ва етказиб беришни ваъда қилиб, олдиндан пулларни ҳисоб рақамига ўтказишни сўраб, содда одамларни алдаб кетаётган молиявий фирибгарлар сохта онлайн-дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон почта манзилларидан фойдаланишди. Бу ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруратини яна бир бор тасдиқлайди.

Рақамлашув ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келади. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукаммал ва беҳато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлаш ҳам шунча долзарблик касб этмоқда. Интернет маконидаги хавфсизлик таъминланмаса, дастурий заифликлар бузғунчининг ахборот тизими ёки веб-сайт, шунингдек, файл ва маълумотларга масофадан кириш, фуқароларнинг шахсий маълумотлари чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Киберхавфсизлик чоралари бу каби ҳолатларнинг олдини олади.

Президентимиз томонидан 14 апрель куни "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонунга имзо чекилиши ҳам соҳа ривожига хизмат қилади. Киберхавфсизликка доир меъёрларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ниҳоятда зарур ва ўз ўрнида қабул қилинган ҳужжатдир. Дунё миқёсида рақамли олам ҳали-ҳамон ҳуқуқий жиҳатдан ўз мақомини белгилаб олганича йўқ. Бу борада кун сайин таҳдидларнинг янги тур ва шакллари пайдо бўлмоқда. Киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқишга киришилгани ҳам миллий кибермаконда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг фаолиятини тартибга солади. Зеро, виртуал оламдаги жиноятчиликнинг зарари ва хавфи реал оламдагидан кам эмас.

"Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонунда эса ахборот-коммуникация ва технологиялар тизимини замонавий кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар учун киберхавфсизлик бўйича замонавий механизмларни жорий этиш, мазкур соҳада давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар акс этган. Чиндан ҳам, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш зарурат сезилаётган эди. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида халқимизга қулайликлар яратиш мақсади ётибди. Киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши рақамли имкониятлардан ишончли ва хавфсиз тарзда фойдаланишга замин бўлади.

Мамлакатимизда замонавий дастурлаш технологияларини ўзлаштирган кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу мақсадда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг аҳамияти рақамлаштириш иқтисодий тараққиётнинг мезони, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, барча соҳани комплекс ривожлантиришнинг асосий шарти экани билан изоҳланади. Бугун дунёда рақамлашув, мобиллашув, сунъий интеллектни жорий эта оладиган кадрлар — дастурчиларга талаб юқори. Боиси рақамли иқтисодиётни таъминловчи инфраструктура, АКТ соҳасига киритилган катта миқдордаги инвестиция ҳам электрон имкониятлардан самарали фойдалана олувчи дастурчиларсиз ўзини оқламайди. Президентимиз томонидан икки ой муддатда хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалий лойиҳалар орқали минг нафар ёшнинг IT паркларда малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, йил бошидан хориждан келган 3 мингга яқин IT мутахассислари имкониятидан фойдаланиш топшириқларини бергани ҳам бежиз эмас. Малакали кадрларсиз кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Зеро, иқтисодиётнинг барча соҳасини рақамлаштириш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий равнақ топиш, аҳолига қулайликлар яратишнинг асосий шартидир. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси — иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишни кафолатлайди.

**Бахтиёр МАҲКАМОВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6